

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА МУХАББАТ АБДУЛҲАШИМОВНА**

**ДЕМОГРАФИК ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРНИ  
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ  
МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**08.00.10- Демогрaфия. Меҳнат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Ахмедова Мухаббат Абдулхашимовна**

Демографик ва ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда  
Ўзбекистон меҳнат бозорини мувозанатини таъминлаш.....3

**Ахмедова Мухаббат Абдулхашимовна**

Обеспечение сбалансированности рынка труда с учетом демографических и  
социально-экономических факторов в Узбекистане.....29

**Akhmedova Mukhabbat Abdulhashimovna**

Ensuring a balanced labor market of taking into account socio-economic and  
demographic factors in Uzbekistan .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА МУХАББАТ АБДУЛҲАШИМОВНА**

**ДЕМОГРАФИК ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРНИ  
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ  
МУВОЗАНАТИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**08.00.10- Демогрaфия. Меҳнат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мануси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt427 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифаси ([www.geu.uz](http://www.geu.uz)) ва «Ziyounet.uz» Ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ортиқова Дилором Абдурахимовна  
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Умурақов Базодир Хамидович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тула Нодир Баходирович  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
PhD

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилуш институти

Диссертация ҳимояси 2021 йил «14» 11 да соат 14<sup>00</sup> да Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали ҳузуридаги илмий даражалар бериш бўйича DSc.22/30.12.2019.1.100.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: 99871)262-43-60; E-mail: [info@geu.uz](mailto:info@geu.uz)

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс:99871) 262-43-60; E-mail: [info@geu.uz](mailto:info@geu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 11 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «11» 11 даги 13 рақамли реестр баённомаси).



*К.Х. Абдурахмонов*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, ЎзФА академиги, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

*З.Г. Шакаров*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

*З.Я. Худойбердиев*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бир томондан ишлаб чиқариш соҳаларининг техник-технологик жиҳатдан юқори даражада интеллектуаллашиб бориши, иккинчи томондан меҳнат бозорида юқори малакали кадрларга бўлган манзилли талаб - асосий талаб сифатида намоён бўлаётгани, учинчи томондан эса аҳоли сонининг ўсиб бориши ва турмуш сифатини ошириш зарурати шароитида меҳнат бозори мувозанатини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий муаммога айланиб бормоқда. Сўнгги йилларда дунёнинг барча мамлакатларини қамраб олган коронавирус инфекцияси билан боғлиқ пандемия шароитида аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлик муаммолари янада кескинлашиб кетди. ХМТ маълумотларига кўра, “пандемия натижасида дунё бўйлаб 25 миллион киши ишсиз қолди. Халқаро экспертлар томонидан пандемиянинг меҳнат бозорига таъсирининг турли сценарийлари ишлаб чиқди. Пандемия ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига қисман таъсири натижасида ер юзида 5,3 миллионга яқин киши, ўртача таъсири оқибатида 13 миллион киши, сезиларли даражадаги таъсири натижасида эса 24,7 миллион киши иш жойларини йўқотди”<sup>1</sup>. Бундай ҳолат жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида меҳнат бозорида мувозанатга эришиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кескин чоралар кўришни тақозо этади.

Жаҳонда меҳнат бозори мувозанатини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий муаммога айланиб бораётган шароитда аҳолини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасида мувозанатни таъминлашга йўнатирилган илмий-тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотларда ишчи кучи мобиллиги, меҳнат бозорида норасмий бандлик, миқёси кенгайиб бораётган меҳнат миграциясини тартибга солиш ҳамда иқтисодиёт-нинг кадрларга бўлган талабни прогнозлаштиришнинг аниқлик даражасини ошириш, бандликнинг самарали ва янги шаклларини ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида барқарор иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг кам таъминланган қатламини фақат моддий эмас, балки доимий даромад келтирувчи иш ўринлари билан таъминлаш, ёшларни ва аёлларни меҳнат бозоридаги фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда демографик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тасодифий самарани эътиборга олган ҳолда меҳнат ресурслари балансини прогнозлаш услубиётини такомиллаштириш, кадрларга бўлган талабни ҳар бир ҳудуд меҳнат бозорига биринчи навбатда таъсир кўрсатадиган асосий нуқтани аниқлаган ҳолда шакллантириш, меҳнат бозорининг демографик тўлқинлар ва иқтисодий

---

<sup>1</sup> БМТ янгиликлари: “ХМТ: пандемия 25 миллионгача иш жойларини йўқотилишига олиб келиши мумкин”.  
<https://news.un.org/ru/story/2020/03/1374652>

ўсиш билан боғлиқ бўлган муаммоларини эътиборга олган ҳолда прогноз параметрлари ишлаб чиқиш каби йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Меҳнат бозори мувозанати ва ривожланиши муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий асослари А.Смит, Д. Данлоп, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, Р. Ж Эренберг, М.Фридмен, А.Филлипсларнинг фундаментал асарларида кенг ёритилган<sup>2</sup>.

Россия Федерациясида меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг турли жиҳатларини тадқиқ этган олимлар қаторида В.В.Абрамов, Е. Балатский, Н.А. Волгин, Э.Р. Саруханов, В.Е. Гимпелсон, И.Е. Заславский, А.И. Кашепов, В.Г. Костаков, А.Е. Котляр, И.С. Маслова, В.И. Плакся, С.Ю. Рошин, А.И. Рофе, Л.С. Чижов каби иқтисодчи олимларни алоҳида қайд этиш лозим. Улар меҳнат бозори муаммоларининг назарий, методологик ва амаклий тамонларини ўрганишга катта ҳиссаларини қўшганлар.

Меҳнатни бошқариш, меҳнат бозорини тартибга солиш масалалари Э.Б. Бедрина, В. Ш Былков, О.А. Козлова, Р.П. Колосова, Ю.Г. Одегов,

---

<sup>2</sup> Д.Т. Данлоп китоби Industrial Relations Systems (Системы трудовых отношений) 1958 г., Маршалл А. Принципы экономической науки: в 2-х т. / А. Маршалл. – М.: Прогресс, 1993. – Т. 1. – 416 с, Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Дж. М. Кейнс. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с, Маркс К. Изд-во полит.лит., 1960. 1. – 486 с, А. Смит. Исследование о природе и причинах богатств народов / А. Смит. – Петрозаводск, 1993. – 320 с, П.Самуэльсон Экономика: вводный анализ, 1948 год, Эренберг Р.Дж. и др. Современная экономика труда. Теория и государственная политика /Издательство МГУ, 1997-800 с. (148).

Х. Сосновская, Т. Четвернина ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда меҳнат бозори, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш, муносиб меҳнат билан таъминлаш, касбий малака ва мобиллигини ошириш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, инсон капитали ва иш билан бандликнинг турли шакллари ривожлантириш муаммолари Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, З.Я.Худойбердиев, Н.Х.Раҳимова, Н.Қ.Зокирова, Б.А.Исламов, Д.А.Ортиқова, Г.Қ.Абдурахмонова, Ш.Д.Кудбиев, Б.Ш.Маҳкамов, Л.П.Максакова, Р.Р.Хасанов, Ҳ.Х.Мамадалиева, Н.У.Арабов, Ш.Х.Назаров, Д.А.Насимов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотлари ва илмий ишлари меҳнат бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилишининг назарий, услубий ва амалий асосларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўтган давр мобайнида тадқиқ этилган муаммолар доираси кенгайганига қарамай, айнан меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат билан боғлиқ муаммоларнинг етарлича ўрганилмаганлиги ушбу диссертация ишининг долбзарлигини белгилаб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170929549 “Иқтисодий таркибий ўзгартириш ва модернизациялашга мувофиқ равишда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг узоқ муддатли стратегияси” (2017-2020 йй.) ҳамда №ПЗ-20200124 “Ижтимоий стандартларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари” (2020-2021 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бўйича таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш борасидаги илмий-назарий ва амалий тадқиқот ишларини ўрганиш ва тизимли кўриб чиқиш;

---

<sup>3</sup> В. Абрамов В.В. Факторы формирования занятости в реформируемой экономике России/ Московский педагогический университет им В.И.Ленина. М., 1994. - 26 с., Балацкий Е. Гибкость рынка труда: Опыт макроэкономической оценки // Мировая экон. и мир. отнош. 1998. - № 2. - С. 80-90., Гимпельсона В.Е., Капелюшников Р.И.// В тени регулирования: неформальность на российском рынке труда, Изд. дом Высшей школы экономики, 2014, Российский рынок труда через призму демографии//М., Изд. дом Высшей школы экономики, 2020, Гимпельсон В. Е., Зудина А. А., Капелюшников Р. И., Лукьянова А. Л., Ощепков А. Ю., Рошин С. Ю., Смирных Л. И., Травкин П. В., Шарунина А. В. Российский рынок труда: тенденции, институты, структурные изменения / Под общ. ред.: В. Е. Гимпельсон, Р. И. Капелюшников, С. Ю. Рошин. М.: Центр стратегических разработок, 2017.

меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бўйича хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида меҳнат ресурслари балансини прогноз қилиш услубини такомиллаштириш;

Ўзбекистоннинг демографик ривожланишини ўзига ҳос хусусиятларини таҳлил қилиш, ҳамда демографик омилларнинг меҳнат бозорига таъсирини ўрганиш;

республика меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таҳлил қилиш асосида муаммолар ва (кутилаётган) узоқ муддатли хавфларни аниқлаш;

2022-2026 йилларга республика ва унинг ҳудудларида меҳнат бозорининг прогноз кўрсаткичларини, шунингдек иқтисодиётнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи прогнозларини ҳисоблаш;

меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратиш, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозори олинган.

**Тадқиқот предмети**ни меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда синтез, корреляцион ва регрессион таҳлил, қиёсий таҳлил, илмий абстракция, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меҳнат ресурслари балансини прогнозлаш услубиёти демографик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тасодифий самарани эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилиб, меҳнат бозорининг динамикаси ва тузилишидаги ўзгаришларни баҳолаш имконини берувчи эконометрик таъминот ишлаб чиқилган;

ҳудудлар кесимида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари учун кадрларга бўлган талабни аниқлаш услубиёти ҳар бир ҳудуд меҳнат бозорига биринчи навбатда таъсир кўрсатадиган асосий нуқтани аниқлаган ҳолда ҳудуд кесимида кадрларга бўлган талабни тармоқларнинг макродаражадаги ривожланиши билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш таклиф қилинган;

меҳнат бозорининг демографик тўлқинлар ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган муаммоларини аниқлашга қаратилган республика ва минтақавий меҳнат бозорлари ривожланишининг ўрта муддатли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатига эришиш шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларида кадрларга бўлган талабни иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш йўли билан самарали бандликни таъминлаш, даромад солиғи ставкасини камайтириш орқали норасмий бандлик даражасини пасайтириш асослаган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меҳнат ресурслари балансини прогноз қилиш методологияси  
эконометрик моделлар ёрдамида такомиллаштирилган;

ҳудудлар кесимида 2026 йилгача меҳнат бозорини ривожлантириш ва  
аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб  
чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда маълумот-  
лар расмий манбалардан олинганлиги, амалга оширилган таҳлилларнинг  
математик статистика ва эконометрика усуллари билан асосланганлиги,  
ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтганлиги, олинган  
натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан  
белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот  
натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий тавсиялар ва  
илмий хулосалар, жумладан демографик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий  
ривожланишда тасодифий самара, ҳудудлар кесимида асосий нуқталарни  
аниқлаш, демографик тўлқинлар ва иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш  
услугиётига оид таклифлар меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва  
унинг таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш услубий таъминотини  
такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шакллантирилган хулоса ва  
амалий таклифлардан давлат тузилмалари функцияларини, амалдаги меҳнат  
қонунчилигини янада яхшилаш, меҳнат бозорида мувозанатни таъминлаш  
бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилиш мумкинлиги  
билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Меҳнат бозори  
мувозанатини ҳамда аҳолининг барқарор ва самарали бандлигини таъминлаш  
борасида олинган натижалар асосида:

меҳнат ресурслари балансини прогнозлаш услугиёти демографик  
ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тасодифий самара ҳамда  
меҳнат бозорининг динамикаси ва тузилишидаги ўзгаришларни баҳолаш  
имконини берувчи эконометрик таъминотдан Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача  
бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва  
вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ишлаб  
чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил  
11 февралдаги 6-1/20-299-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган  
услугиётни қўллаш демографик ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишни  
ҳисобга олган ҳолда республика ва минтақалардаги меҳнат бозорининг  
динамикаси ва тузилишини мувофиқлаштириш имконини берган;

ҳудудлар кесимида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари учун кадрларга  
бўлган талабни аниқлаш услугиёти ҳар бир ҳудуд меҳнат бозорига биринчи  
навбатда таъсир кўрсатадиган асосий нуқтани аниқлаган ҳолда ҳудуд

кесимида кадрларга бўлган талабни тармоқларнинг макродаражадаги ривожланиши билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича таклифларда Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари концепциясини ишлаб чиқиш фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 46-сонли буйруғига 1-илованинг 1.2 -банди) меҳнат ресурслари, иш билан банд аҳоли ва ишсизлар сонининг (собит ва тасодифий таъсир қилувчи регрессия модели ёрдамида) прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 6-1/20-299 сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқарилган ҳисоб-китоблар натижаларидан фойдаланиш ишчи кучи таклифи ва ишчи кучига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётдаги сифат ва таркибий ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш имконини берган;

меҳнат бозорининг демографик тўлқинлар ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган муаммоларини аниқлашга қаратилган республика ва минтақавий меҳнат бозорлари ривожланишининг ўрта муддатли прогноз параметрларидан Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари концепциясини ишлаб чиқиш фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 87-сонли буйруғининг 1.1-банди; Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 6-1/20-299-сонли маълумотномаси). Ушбу натижалар узок муддатли истиқболда меҳнат бозорининг прогноз динамикасини ялпи ички маҳсулот ва аҳоли даромадлари ўсиши прогнозлари билан мувофиқлик даражасини ошириш имконини берган;

кадрларга бўлган талабни иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш йўли билан самарали бандликни таъминлаш, даромад солиғи ставкасини камайтириш орқали норасмий бандлик даражасини пасайтириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари концепцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 11 февралдаги 6-1/20-299-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва механизмлар аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва норасмий бандлик даражасини 60% дан 57% гача пасайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертатсия мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Ресупубликаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 10 та илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Меҳнат бозорини мувозанатлаштириш муаммоларини ўрганишга бўлган назарий ва услубий ёндашувлар”** деб номланган биринчи бобида меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашнинг назарий -услубий асослари ўрганилган, хорижий мамлакатлар олимлари томонидан таклиф қилинган меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат баланси назарияси, меҳнат бозорида талаб ва таклифни ҳисоблашга бўлган турли услубий ёндашувлар кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари баланси прогнозини ҳисоблашда муаллифлик ёндашуви бўйича маълумотлар берилган. Диссертацияда таъкидланишича, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бўйича кўплаб илдам ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш шароитида республикада иш билан бандлик тузилмасини ўзгартиришнинг асосий йўналишларини белгилашда фойдали бўлиши мумкин.

Республика меҳнат бозорида иқтисодиётнинг ишчи кучига бўлган талаби ва унинг тақсимланиши ўртасида номуносиблик юзага келдики, бундай ҳолат иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига ўз таъсирини ўтказди ва диверсификация қилинган, юқори технологияли, экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиётга ўтиш имкониятларини чеклаб қўяди. Муаллифнинг фикрича, зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, бундай номуносиблик меҳнат бозорида кескинликнинг ортишига, ўрта ва узоқ келажакда иш билан бандлик муаммоларини янада долзарблашишига олиб келади.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бўйича хорижий ва маҳаллий назарияларни ўрганиш меҳнат бозори баланси ҳақидаги муаллифлик концепциясини шакллантириш имконини берди (1-расм).

Муаллифнинг фикрича, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат-бу мавжуд ишчи кучи таклифи ва бўш иш ўринлари ўртасидаги тенглик. Мувозанатли меҳнат бозорига эришиш ва уни сақлаб туриш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг исталган вақтида меҳнат бозорида талаб ва таклифни белгиловчи омилларни доимий аниқлаш ва уларнинг мувозанатини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш ҳисобидан амалга оширилади.



**1-расм. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни шаклланиши<sup>4</sup>**

Бундан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда муаллиф меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатининг прогнозини ишлаб чиқиш зарурлигини асослаб берган, бундан олдин эса мамлакат минтақаларини комплекс ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурслари балансининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш керак бўлади, деган фикрни илгари сурган.

Диссертация ишида хорижий ва маҳаллий олимларнинг турли ёндашувларини таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг комплекс ривожланишини ҳисобга олинган ҳолда, меҳнат ресурслари балансини прогноз қилиш методологияси такомиллаштирилган. Бунда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозори параметрларини ҳисоблаш имконини берадиган математик моделлар тузишга асосланган.

Меҳнат ресурслари баланси прогнозини ҳисоблаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан тузилган

1011-сонли “Ишга жойлашишга мухтож аҳоли сонини аниқлаш ва иш билан бандлик масалалари бўйича уй хўжаликларини тадқиқ этиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган меҳнат ресурслари баланси прогнозини ишлаб чиқиш методологиясида тавсия этилган ёндашувларга асосланган.

Бундан ташқари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини комплекс ривожлантириш Давлат дастурининг (2022–2026 йй.) прогноз кўрсаткичларидан фойдаланилган.

### 1-жадвал

#### Минтақалар даражасида меҳнат ресурслари балансини прогноз қилишда фойдаланилган усуллар<sup>5</sup>

<b>1- қисм Меҳнат ресурслари сони</b>	
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий аҳоли сонига логарифмик функционал боғлиқлиги
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ва кичик бўлган иқтисодиётда банд шахслар	Меҳнат ёшидан юқори бўлган меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдан ошган умумий аҳолисининг логарифмик функционал боғлиқлиги
<b>2-қисм Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши</b>	
Иқтисодиётда банд бўлганлар	Рухсат этилган ва тасодифий эффектли регрессия ёрдамида регрессия модели
Ишсизлар сони	ХМТ методологиясига кўра (ишсизлар ЯИМнинг жисмоний ҳажми индексига ва ЯҲМнинг ҳажми индексининг ўсиш суръатларига боғлиқ)
Иқтисодиёт тармоқлари бўйича банд аҳолининг тақсимланиши	Рухсат этилган ва тасодифий эффектли регрессия ёрдамида регрессия модели
Иқтисодий нофаол аҳоли	Чизиқли регрессия

Таклиф этилаётган методика бир қатор амалий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради, хусусан:

республика ҳудудларида иш билан банд бўлган аҳолининг керакли сонини таъминлаш учун зарур бўлган ишчи кучининг етарлилигини баҳолаш; ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий кескинликни назорат қилиш мақсадида иқтисодий фаоллик, аҳоли бандлиги ва ишсизликни прогноз қилиш;

ҳудудларда ишчи кучини шакллантиришнинг мумкин бўлган манбаларини баҳолаш;

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган

худудлар кесимида прогнозларни амалга оширишга ёрдам берувчи ёки қарши чораларни ўз вақтида қабул қилиш учун илмий асосланган воситалардан фойдаланиш.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонини прогноз қилиш учун STATA дастурида модел тузилди ва панелли маълумотлар қўлланилди.

Диссертация ишида ишлаб чиқилган усул ёрдамида иш билан бандлик кўрсаткичлари республика ва тармоқлар кесимида прогноз қилинди. Бунда олинган натижалар республика даражасида иш билан бандлик кўрсаткичларига асосан демографик омил, аниқроғи аҳоли сони, тармоқлар кесимида эса иш билан банд аҳолининг умумий сони таъсир кўрсатиши аниқланди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу методика аввал қўлланилмаган математик моделлар ёрдамида амалга оширилди.

Вилоятларда банд аҳоли сонини прогнозлаштириш моделининг тенгламаси қуйидагича:

$$Emp = 0,30POP + 0,12GRP + 57,5Cons.$$

где, Emp – иқтисодиётда банд бўлганлар ;

POP – меҳнатга лаёқатли аҳоли;

GRP – ялпи ҳудудий маҳсулот

**2-жадвал**

**Тенглама натижалари<sup>6</sup>**

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони	0,30*** (0,005)
Ялпи ҳудудий маҳсулот	0,12*** (0,028)
Константа	57,5*** (0,000)
R2	69%
Кузатувлар сони	126

Олинган натижалар қуйидаги хулосага келиш имконини берди: меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1%га ошганда, иш билан банд бўлган аҳоли сони 0,30 %га, ЯҲМ эса 0,23 %га ошади. Ушбу модел ёрдамида 2026 йилгача иш билан банд аҳоли сонининг прогнози ҳисоблаб чиқилди. Прогноз кўрсаткичларини аниқлаштиришда республикада қабул қилинган инқирозга қарши чоралар ва пандемия шароитида иш билан бандлик даражасини сақлаб қолиш механизмлари ҳисобга олинди.

Саноатда банд бўлган аҳолининг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сони ва саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми каби омиллардан фойдаланган ҳолда эконометрик тенглама тузилди.

$$Emp.Ind. = 0,67 * Emp. + 0,47 * Ind.Pr,$$

<sup>6</sup> Муаллифнинг ҳисоб китоблари асосида тузилган

бу ерда Emp.Ind. – саноатдабанд бўлган аҳоли сони;  
Emp. – иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони;  
Ind.Pr. – саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу тенглама натижаларига кўра, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 1 % га ўсиши саноатда банд бўлган аҳоли сонини 0.67%га, саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 1% га ўсиши саноатда банд бўлган аҳоли сонини 0.47% га ошишига олиб келиши аниқланди.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш чун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сони ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми каби омиллардан фойдаланган ҳолда эконометрик тенглама тузилди.

$$\ln \text{EmpAgr} = 0,33 * \ln \text{Emp} + 0,53 * \ln \text{Agr},$$

бу ерда lnEmpAgr – қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони;  
lnEmp – иқтисодиётда банд бўлганлар сони;  
lnAgr – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу тенглама натижаларига кўра, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 1 % га ўсиши қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонини 0.33%га, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 1% га ўсиши қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонини 0.53% га ошишига олиб келиши аниқланди.

Хизматлар соҳасида банд бўлган аҳолининг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш чун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сони ва хизматлар соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми каби омиллардан фойдаланган ҳолда эконометрик тенглама тузилди.

$$\ln \text{EmpSer} = 0,61 * \ln \text{Emp} + 0,32 * \ln \text{Serv},$$

бу ерда lnEmpSer – хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони;  
lnEmp – иқтисодиётда банд бўлганлар сони;  
lnServ – кўрсатилган хизматлар ҳажми.

Келтирилган тенглама натижаларига кўра, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 1 % га ўсиши хизматлар соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 0.61% га, соҳада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 1% га ўсиши ушбу соҳада банд бўлган аҳоли сонини 0.32% га ошишига олиб келиши аниқланди.

Юқоридаги прогноз усулларида фойдаланиш республиканинг барча 14 ҳудуди учун меҳнат ресурслари баланси прогнозларини ҳисоблаб чиқиш имконини берди, уларнинг жамлаш натижасида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг умумий прогноз кўрсаткичлари аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Демографик ривожланиш ва меҳнат бозорининг шаклланиш хусусиятлари: тенденциялар, ривожланиш ва муаммолар**” деб номланган бўлиб, унда республикадаги демографик ҳолат ва унинг меҳнат бозорига таъсири ўрганилган. Бундан ташқари банд аҳолининг ёши ва жинси, иш билан бандликнинг тармоқ таркиби чуқур таҳлил қилинган. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф ҳолати иқтисодиётнинг асосий тармоқлари кесимида кўриб чиқилган.

Мамлакатнинг 2016-2020 йиллардаги демографик ривожланишини таҳлил қилиш асосида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- мамлакатда туғилиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Бундай ҳолат узок муддатда ижтимоий соҳаларга ажратиладиган (болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш харажатлари) давлат харажатларининг ортишига олиб келади, аёлларнинг таълим олиш имкониятларига, уларнинг иш билан бандлигига таъсир кўрсатади;

- меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга демографик босим ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида келажакда меҳнат бозорига кучли таъсир кўрсатади;

- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли орасида ўлим даражаси ўсиб бормоқда, бу эса давлат томонидан умуман аҳоли ва меҳнатга лаёқатли аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб этади;

- оналар ўлими бироз ўсиб бормоқда;

- аҳоли орасида қариялар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик бўлганларнинг улуши ортиб бормоқда. Аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз қисмини ошиши пенсия жамғармасига бўладиган босимнинг ортишига олиб келади. Шу билан бирга, кексалар сонининг ортиб бориши ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, қарияларга хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш борасидаги чора –тадбирларни фаоллаштиришни талаб этади.

2020 йилда республикада меҳнат ресурслари 19,1 миллион кишини ташкил этди. 2016-2020 йиллар оралиғида уларнинг сони 653,4 минг кишига кўпайди. Уларнинг 43 % шаҳарда, 57 % қишлоқда истиқомат қилади. Меҳнат ресурслари сони, аввалги йиллардагидек юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бу жараён айниқса қишлоқ жойларида тезлашмоқда ва бундай ҳолат меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминлаш борасида тегишли чораларни кўриш зарурлигини талаб этади.


2020 йилда мамлакат иқтисодиётида банд бўлганлар сони 13,2 млн. кишини ташкил этди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда республика аҳолисини иш билан таъминлашда маълум ўзгаришлар юз берди. Таҳлил қилинган давр мобайнида банд бўлганлар сони 58,8 минг кишига камайди, бунинг асосий сабаби 2017 йилда иш билан банд аҳолининг ҳисобини юритишдаги ўзгаришлар ва пандемия билан боғлиқ.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши ва яратилган иш ўринлари сони ўртасида жуда катта тафовут мавжуд. Масалан, 2020 йилда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 153,2 минг кишига кўпайди, яратилган иш ўринлари сони эса 29,3 минггага камайди (3 -расм).

Республикада ҳар йили 500-600 мингга яқин ёшлар меҳнат бозорига илк бора кириб келади, меҳнатга лаёқатли аҳолининг юқори босими туфайли мамлакат иқтисодиёти барчани иш билан таъминлай олмайди, бу эса меҳнат миграциясининг ривожланишига ёрдам беради. Бугунги кунда ишга муҳтож аҳоли сони 1 млн 600 минг кишини ташкил этади, уларнинг 805 мингдан



ортиғи 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Шунингдек, 560 минг мактаб ва олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнат бозорига кириб келди.



**2-расм. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва иш ўринларининг ўсиши<sup>7</sup>**

Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи асосан касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари ҳисобига шаклланади. Ҳар йили касб ҳунар коллежларини ўртача 457 минг нафар, олий ўқув юртларини эса 103 минг нафарга яқин ёшлар битириб чиқади. Диссертация ишида меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маълум касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш борасидаги муаммоларнинг сақланиб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги номуносиблик баҳоланган. Бунда асосан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларидан фойдаланилган. (2-жадвал).

Таҳлиллар 2020 йилда ишчи кучи таклифи талабдан 1,2 баравар кўпроқ бўлганлигини кўрсатди. Меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшлар сонининг юқори суръатларда ўсиши, ишга муҳтож бўлган шахслар сонининг кўплиги, уларнинг барчасини иш билан таъминлаш имконияти даражасининг пастлиги бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Кадрларга бўлган талаб борасида маълумотлар етишмаслигига қарамадан, диссертация ишида бундай талабни аниқлаш бўйича таҳлиллар амалга оширилди. Бунда асосан иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлганлар сонининг ўзгариш тенденцияларидан келиб чиқилди. 2020 йилда бандликнинг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (қондирилган талаб 119,1 минг киши), савдода (34,6 минг киши), таълим (22,7 минг киши), саноат (18,6 минг киши) ва соғлиқни сақлаш (12,7 минг киши) соҳаларида кузатилди. Пандемия даврида (2020 йил) соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлганлар сонининг ошганлиги кўзга ташланди. Таҳлиллар 2019-2020 йилларда Ўзбекистон меҳнат бозорида қурувчи, шифокор, ўқитувчилар, юқори малакали ва бошқа

<sup>7</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

техник ходимлар ҳамда савдо соҳасидаги ишчиларга талаб юқори бўлган, деган хулосага келиш имконини берди.

3-жадвал


**2020 йил бошига меҳнат бозорида кадрларга бўлган талаб ва таклиф<sup>8</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Жами
<b>I.</b>	<b>Жами ишчи кучи таклифи, минг киши</b>	<b>2926,4</b>
	<i>шундан</i>	
1	Меҳнат бозорига илк бор кириб келувчилар (битирувчилар)	560,0
	<i>шундан:</i>	
	умумтаълим мактабларини	438,7
	академик лицей ва касб-хунар коллежларини	18,1
	олий ўқув юртларини	103,1
2	Банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли (ишсизлар)	1561,0
<b>II.</b>	<b>Жами ишчи кучига талаб, минг киши</b>	<b>2488,4</b>
	<i>шундан:</i>	
1	Квоталанган иш ўринлари	40,5
2	Янги, барқарор иш ўринлари	457,4
3	Мавсумий, вақтинчалик ва бир марталик ишларда бандликни таъминлаш	97,6
4	Қишлоқ хўжалигида ташкил этиладиган иш ўринлари	1661,4
5	Бўшайдиган иш ўринлари (пенсияга чиқиш, ўлим ва бош	116,6
6	Хорижий давлатларда ишга жойлаштириш	114,9

Тармоқлар кесимидаги бандликнинг ўсиш суръатлари билан ўқув юртлари томонидан тайёрланаётган кадрларни солиштирсак, кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори ва таълим муассасалрининг узвий боғлиқликда иш олиб бормаслиги яққол кўзга ташланмоқда. 2019 йилда энг кўп битирувчилар муҳандис ва технологларга (151,5 минг битирувчи), гуманитар соҳага (74,7 минг) тўғри келади, лекин бугунги кунда меҳнат бозори учун курувчиларга, соғлиқни сақлаш ходимларига ва юқори малакали педагогларга талаб юқорилиги кузатилмоқда.

Диссертация ишида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сайтида рўйхатдан ўтказилган бўш иш ўринлари ўрганиб чиқилди. (2021 йил 10-июн ҳолатига кўра). Базада 50 мингга яқин иш берувчи ташкилот ва корхоналар, 6,8 минг резюме ва 100 минг бўш иш ўринлари рўйхатдан ўтказилган. Бўш иш ўринларининг ҳудудлар бўйича тақсимланишини таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг деярли 45% Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келади (3 -расм).

<sup>8</sup> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.



### 3-расм. Худудлар бўйича бўш иш ўринларининг тақсимланиши<sup>9</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бўш иш ўринлари сони ишсизлик даражаси юқори бўлган худудларда нисбатан кам эканлиги кўринди. Масалан, таҳлиллардан Қашқадарё вилоятида ишсизлар сони бўш иш ўринлардан деярли 40 мартаба кўп эканлиги аниқланди. Бундай ҳолатни Сурхондарё, Жиззах ва Самарқанд каби вилоятларида ҳам кузатиш мумкин. Бўш иш ўринларининг 60% дан ортиғи олий, 22,2% ўрта махсус маълумотли кадрларни талаб қилади. Касблар кесимида ўқитувчи, шифокор, ҳамшира, таъмирлаш усталари, фармацевт, муҳандис ва технологларга талаб катталиги аниқланди.

Мазкур вебсайтда келтирилган иш ўринлари 500 мингдан 15 млн. сўмгача иш ҳақи тўланадиган иш ўринлари эканлиги аниқланди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг веб-сайтида берилган маълумотлардан инновацион иқтисодиёт шароитида талаб юқори бўлган дастурчи, муҳандис, сотувчи, менежер ва онлайн-оператор каби кадрларга талаб деярли йўқ эканлиги кўринди.

Бундан ташқари, диссертацияда Headhunter халқаро рекрутинг компаниясининг базасида келтирилган бўш иш ўринлари ҳам таҳлил қилинди. Унда берилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сайтида келтирилган кўрсаткичлар билан солиштириб кўрилганда, улар орасида катта фарқ мавжуд эканлиги маълум бўлди. Мазкур рекрутинг компанияси сайтида рўйхатдан ўтказилган ташкилот ва корхоналар сони 10530 тани, бўш иш ўринлари сони 3760 тани, резюмелар сони эса 210 мингдан зиёдни ташкил этган. Базада келтирилган иш ўринлари ўртача 300-400 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи тўланадиган иш ўринлари эканлиги маълум бўлди. Иш ҳақи 2000 АҚШ доллари бўлган бўш иш ўринлари ҳам рўйхатдан ўтказилганлиги эътиборни тортади. Сайтдаги маълумотлардан ахборот технологиялари, телекоммуникация, Интернет, реклама, маркетинг соҳаларида ишлай оладиган ходимларига,

<sup>9</sup> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

ҳамда сотувчи, бухгалтер каби касб эгаларига талаб жуда юқори эканлиги кўринди.



#### 4-расм. Мавжуд бўш иш ўринларининг касблар бўйича тақсимланиши<sup>10</sup>

Шундай қилиб бўш иш ўринлари таҳлили бир қатор хулосалар қилиш имконини берди, жумладан:

- давлат ташкилотларида ўқитувчилар, шифокорлар ва тиббиёт ходимларига талаб юқори;
- хусусий секторда сотувчилар, дастурчиларга, технолог ва муҳандислар ҳамда маъмурий ходимларга талаб катта;
- хусусий ва давлат секторидаги бўш иш ўринларида иш ҳақи кескин фарқланади;
- вазирлик сайтида бўш иш ўринлари кўп бўлишига қарамай ишга муҳтож шахслар кўпроқ хусусий агентликларга мурожаат қилади;
- вазирлик сайтида рўйхатдан ўтказилган бўш иш ўринларининг ҳудудлар бўйича тақсимланишида кескин тафовут мавжуд.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатни шакллантириш ва таъминлаш истиқболлари**” деб номланган бобда меҳнат бозорида мувозанатни таъминлаш механизми ва чора-тадбирлари баён қилинган, ҳамда меҳнат ресурслари баланси прогнози ҳисоб-китоби келтирилган.

Муаллиф ҳисоб-китобларига кўра прогноз қилинаётган даврда республикада меҳнат ресурслари сони 1,1 %га ошади ва 2026 йилга келиб 21 085,9 минг кишини ташкил этади (4 -жадвал).

Амалга оширилган ҳисоб – китобларга кўра, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг йиллик ўсиш суръатлари 1,1% ни ташкил этади. 2026 йилга келиб уларнинг умумий аҳоли сонигаги улуши бир мунча камайиб, 59%га тенг бўлади.

<sup>10</sup> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотлари асосида тайёрланган

2026 йилгача меҳнат ресурслари прогнозлари<sup>11</sup>

Кўрсаткичлар номи	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.
<b>Меҳнат ресурслари сони</b>	19 689,5	20 000,0	20 333,3	20 704,4	21 085,9
<i>шунингдек:</i>					
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	19354,8	19720,0	19987,6	20393,9	20811,8
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ва кичик бўлган иқтисодиётда банд шахслар	94,6	92,7	91,4	90,8	90,2
<b>Иқтисодий фаол аҳоли</b>	<b>15318,6</b>	<b>15630,4</b>	<b>15961,3</b>	<b>16321,4</b>	<b>16695,8</b>
<b>Иқтисодиётда банд бўлганлар сони</b>	<b>13 927,8</b>	<b>14 300,4</b>	<b>14 687,4</b>	<b>15 099,6</b>	<b>15 526,7</b>
<b>Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сони</b>	<b>1390,8</b>	<b>1330,0</b>	<b>1273,9</b>	<b>1221,8</b>	<b>1169,1</b>
<b>Иқтисодий нофаол аҳоли</b>	<b>4 370,9</b>	<b>4 369,6</b>	<b>4 372,0</b>	<b>4 383,0</b>	<b>4 390,2</b>

Кутилаётган прогнозларга кўра, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг кўпайишига қарамай, ишлайдиган пенсионерлар сони камаяди. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони йилига ўртача. 288 минг кишига ёки 2,3 %га ортиб, 2026 йилда 15,5 млн. кишига етиши кутилади. Иш билан бандлик даражаси 2020 йилдаги кўрсаткичдан 4.0 ф.б. ошиб, 93% ни ташкил этади.

